
ЮКСАК МУКОФОТ МУБОРАК БЎЛСИН!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллиги муносабати билан давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги [Фармони](#)га асосан тумандошимиз - Ўзбекистон тумани "Сохибкор Тоғай" фермер хўжалиги раҳбари Саттаров Уткур Хамидович «Дўстлик» ордени билан тақдирланди.

Мазкур мукофот тумандошимизнинг юртимизда фермерлик ҳаракати, айниқса насли чорвачилик соҳасини ривожлантириш борасида олиб борилаётган ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш борасидаги кўп йиллик самарали меҳнати ҳамда мамлакатимиз иқтисодий қудратини юксалтиришга қўшган муносиб ҳиссаси учун Президентимиз томонидан берилган юксак баҳодир.

Фурсатдан фойдаланиб, илғор фермер ва моҳир чорвадорни юксак эътироф билан самимий муборакбод этамиз. Юрт равнақи, халқимиз фаровонлиги йўлидаги эзгу ишларида муваффақиятлар тилаймиз.

Юксак эътироф муборак бўлсин!

Ўзбекистон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

2020-08-29 00:23:36